



СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
ЧИКА БОШЛАГАН

● 20 август 1969 йил, чоршанба ● № 193 (14.356) ● Баҳоси 2 тийин.



Ташаббус изидан КУРАШ ДАВОМ ЭТАДИ

Партиянинг XXIII съезди таърих қарорларида Сурхон — Шеробод бўлини сугориш ва ўзлаштириш давом эттириш зарурлиги алоҳида қайд этилган. Ана шу қарордан руҳланган совхозимиз меҳнаткашлари 4800 гектар бўз ерининг ҳар гектаридан бу йил 20 центнердан, яъни пландаги 8 минг ўрнига 10 минг тонна «оқ олтин» хирмони кўтариш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Бундан бир ой олдин «Янгичи» совхоз 4-бўлими меҳнаткашларининг раёонидаги барча пахтакорларга, кишлоқ хўжалик мутахассисларига қарата Мурожаатда қалб индоси билан ёзилган таппал бригадаларга аъзо-ларини янада кўпроқ жасорат кўрсатиб ишлашга ўндади. Мурожаатда ўртага ташланган масалаларини ҳар томонлама ўйлаб кўрдик, фикрлашдик.

Мурожаатда бундай дейилган: «Қадри қўқувлар дўстлари! Халқимиз беш йилликнинг тўртинчи йилида коммунистик қурилишнинг барча соҳаларида улғувор мақсадларини кўзлаб моҳир фронтга олганлар. Ҳамма пролетариатнинг улғу доҳийси В. И. Ленин тугилган кунининг юз йиллигини ёрғун юз, ажойиб меҳнат соғалари билан кутиб олиш ҳис-туй-


гулари билан ашмоқда. Биз, чўлқувар пахтакорлар ҳам доҳий юбилейга ўзимизнинг муносиб тўғнаимиз — тоғ-тоғ «оқ олтин»нинг совға этмоғимиз, бунинг учун эса пахта далаваринин зарбдор меҳнат фронтга айлантирмоғимиз, диққат-этиборини барча майдонларда зиммадаги юксак аҳднинг тўла бажарилишини қўлай оладиган даражада мўл ҳосил етиштиришга қаратмоғимиз керак.

Бу, бизнинг айни мўддаимиз. Ахир, касбдошимиз Шоймардон Қудратов «Чўл — жасорат майдони», деб эътиборларини ташаббусини бошлаганда, «лаббай» деганча чўлга отланганди. Мана, ўшандан бўйи орадан уч йил ўтди. Қанадани-қана қийинчиликларга дуч келдик ва уларни мардондор еттиб ўтдик. Биз «Янгичи» совхоз 4-бўлими пахтакорларининг мурожаатига жавобан 50 гектар пахта майдонимизнинг ҳар гектаридан илгари олган мажбуриятдаги 40 центнер ўрнига 45 центнердан ҳосил етиштириш ҳақида аъза бердик. Бу — 250 тонна қўшимча пахта дедим.

Мажбуриятга яраша ҳосил тўлаш учун августин зарбдор ой деб эълон қилдик ва гўза парварини янада кучайтириб юбордик. Гўзанинг ривожланиши ва

ШУ КУННИНГ ВАЗИФАЛАРИ:

- Гўза парваришини янада авж олдириш ● Илгиритеримга тайёргарликни гўза парвариши билан боғлаб олиб бориш ● Агрегатлар ремонтини жадаллаштириш ● Далада ишлаётганларга зарур маданий-маиший шароит яратинг.



ҳосил тўлашдаги қолоқликни тугатиш чора-тадбирларини кўра-яшмиз. Шогирдларим Еқуб Жўраев, Гулмирза Бўриевлар билан сира бушаширтганимиз йўқ. Ҳозиргача эшонин тўрт марта култивация қилдик. Гектар бошига бир ярим тоннадан гўнг, 450 килограммдан суперфосфат ва 250 килограммдан селитра солиб, туллари мириқтириб сугордик. Натижада ҳар гектар ерда 98-100 минг тупдан гўза етиштиришга муваффақ бўлдик.

Биз меҳнат фронтини авж олдириб турган бир пайтда «Талим-марон» совхоз пахтакорларининг мурожаати эълон қилиниб қолди. Унда машиналарини 20 августга қадар теримга тахт этиш айтилган эди. Ишчи чинакамга бошлаб юбордик. Чеканкани техника ёрдамида сифатли тўғалладик. Ҳозир гўзаларимизда 10-12 гача тўқ қўсак бор.

Яқинда «Совет Ўзбекистон» гаъзатси саҳифасида Бухоро обла-стдаги «Нарпай» совхоз меҳна-зотларининг Андижон обла-стининг «Савая» совхоз меҳаниз-зотларига йўллаган Очқ хатини ўйиб, янада тўқилиниб кетдик. Шогирдларим Еқуб Жўраев ва Гулмирза Бўриевлар билан бирга-

лиқда ҳосилнинг 100 процентини машинада териб олишга аҳд қилдик.

Касбдош «пўлат оти» чавандозларини Келкиглар, қўли-қўлга бериб, «эангори кема»ларини терим мавсумига шайладик. Ҳосилнинг аввало, ҳажмасини, ҳеч бўлмаганда 90 процентини машина ёрда-мида териб олишга ҳаракат қила-йлик.

Отамурод ХУДОЙНАЗАРОВ.
Сурхондарё обла-стдаги «Ком-сомолбод» совхоз меҳаниз-зотларининг бригадаси бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Сурхондарё Гагарин райони-га «Нарпай» «Комсомолбод» сов-хозининг меҳаниз-зотларининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони донгдор меҳанизатор Отамурод Худойназаров (юқорида), па-стада эса Денов райондаги «Ой-тў-ри» 50 йиллиги кўлхозининг меҳа-низатори Дуланбой Қороев. Бу ҳар-икалар аъзамат меҳанизаторлар бу йил пахта янги-терим мавсу-мида 92 агрегатлари бунеридан 200.250 тоннадан «оқ олтин» тў-киш учун аҳд қилишди.

И. ХУЖАНОВ фотолари.

ЛЕНИНЧА МЕХНАТ ВАХТАСИДА УНУМДОРЛИК ИККИ ҲИССА ОШАДИ

Шўрчи пахта тўзалаш заводи-нинг ишлаб чиқариш қувватини келажакда янада ошириш тадбир-лари кўрилмоқда. Шу мақсадда Тошкент Давлат лойҳалаш инсти-тутини инженерлари Н. Усмонов ва В. Локтевлар қорхонага келиб, ундаги цех ва бошқа объектлар билан пухта танишиб, заводни реконструкция қилиш режалари-ни ишлаб чиқишди.

Ҳозирданок қорхона бош кор-пуси кенгайтирила бошланди. Шу билан бирга лентер пахта ишлаб

чиқарадиган қўшимча цех кури-лади. Бош инженер У. Мирзаха-мидовнинг тўзалаш цехидаги жим машиналари сонини ва сифа-тини ошириш тақлифи ҳам маъ-қулланди. Бу қайта қуриш ва кенгайтириш ишлари пойнига ет-гач, заводда меҳнат унумдорлиги икки баравар ортади. Завод ре-конструкцияси доҳий В. И. Ленин тугилган куннинг 100 йиллиги ку-нигача тўғалланади.

Л. АРКАДЬЕВ.

10 МИНГ ТОННА СИЛОС

УРГАНЧ («Совет Ўзбекистон» муҳбири). Янгиқари райондаги Охунбобоев номи колхоз Хо-размда биринчи бўлиб силос бо-стиришга киришган эди. Колхоз аъзолари 3600 тонна ўрнига 10 минг тонна силос бостириш маж-буриятини олиб, дастлаб беш кун ичида 2500 тонна силос бо-стиришди.

Маиканқури ўрш ва силос бостириш конвейер усулда олиб борилаётган. Иш икки сменада ташил этилганлиги учун ҳар кун 400 тоннага етказиб силос бостирилади. Комбайнлардан Олбей Қурбонов, Отабой Одилов, Карим Сафоевлар маиканқури ўршида ноёбонли кўрсатишди. Исмоил Сафоев, Рўззамат Шарипов каби шоферлар ўрилган кўпқилин пешма-пеш ташиб бер-моқдалар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДУМИДА

Партия ва совет органи-ларида кўп йиллик ва самарали ишлари учун ҳамда тўғалган кунига эълон қилинган муносабати билан, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми-нинг Фармони бинодан, Ян-қури район партия комитети-нинг биринчи секретари Чора Алматов Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ерлиги билан мукофотланди.

ЧЎЛҚУВАРЛАР ДАЛАСИДА

ГЕКТАРЛАР ТЎЛИҚ, ГЎЗАЛАР БЎЛИҚ

Яхлит карталарда сувчилар эгат оралаб юришди. Нар-роқда етилган участкаларни култиваторчилар майин қилиб юмшатиб боришти. Бир гуруҳи ишчилар пайкаллари беғона ўтлардан тўзалаштилар. Хул-лас, ишга яроқли барча куч далада — гўза парварини би-лан банд. Телеккачилар маҳал-лий ўғит ташимоллар. Тўр-тинчи бўлим бошқарувчиси Ҳай-дар Оқбобоев ҳам шу ерда экан.

— Бўлим пахта майдони 381 гектар. Шундан 231 гекта-ри янгидан ўзлаштирилган. — деди у.

Гектаридан неча центнер-дан мажбурият олгансиз?
— Дастлабки мажбурият-миз гектардан 18 центнердан эди, имкониётларимизни кўриб чиқиб, 25 центнердан «оқ ол-тин» топиришини кўзлаб ту-рибмиз.

Ҳар гектар ердан қўшим-ча етти центнер ҳосил! Бўлим ишчилари ва меҳанизаторлари андижонлик донгдор пахтакор. Социалистик Меҳнат Қаҳрамо-ни Қурихон Рустамованинг «Пахтакорлик насонини шараф-лайлик» деган қаҳиринини яд-диллик билан маъқуллаб, ана шундай оширилган мажбурият қабул қилганлар. Улар сўзла-рининг устидан чиқиб учун гў-за парваринини сифатли олиб боришмоқда. Август ҳосилтў-лашда зарбдор ой деб эълон қилинган. Ҳосилга-ҳосил қў-шим тадбирлари пухта амалга оширилмоқда. Гўза ўз вақтида чеканка қилинди. барча май-дондаги гўза уч марта озиқ-лантирилган, қатор оралари беш марта узунасига ва тўрт марта кўндалангига култивация қилинган. Уч бор қонди-риб сугорилган. Янгидан ўз-лаштирилган, биринчи марта пахта етиштирилган карталарда ҳам гўза туллари нор-мал қилинибда бўлиши таъ-минланган. Гектарлар тўлиқ, гўзалар бўлиқ ва серҳосил.

— Ҳар йили, гўза аини ҳо-сил олиш пайтида қанақаб қо-либ, гул ва гулчуқчаларини тў-киб юборадим. Илгаридаги экин энди келинган 150 гек-тар еримизда ҳосил гектар бо-

шига зўрға 14-15 центнерни ташкил этади. «Янгиент» ка-нали қурилиб, янги пахтачилик совхозини ташкил топгач, сув се-роб бўлиб қолди. Каналнинг биринчи қисми ишга тушири-лган, чўлга ҳаёт суви оқди. «Меҳнат-роҳат» колхозидан совхозга ақратиб берилган даст ерлар ҳисобига пахта майдони қариб икки ярим ба-равар кенгайди. Биз бу йил пландаги 510 тонна ўрнига 960 тонна «оқ олтин» етиштиришга аҳд қилганимиз. — деди бўлим бошқарувчиси Ҳайдар Оқбобоев.

Бўлимдаги ҳар беш брига-да бўйича 12 та «Универсал» трактор тўғовсиз ишлаб ту-рибди. Пахта майдони кўпроқ бригадаларга утанди, қўнгал-ларига инкитадан универсалчи-лар қўйилган, уларга карталар ҳам ақратиб берилган. Э-лар анкан карталардаги гўза қатор ораларини ўзлари юмша-тиб боришмоқда. Абдулла Но-ракулов, Абдуқолиб Бердику-лов, Ерқўл Мустафоев каби универсалчилар кўнға 10 гек-тар ва ундан ошқ ердаги гўза қатор ораларини култивация қилмоқдалар.

Янги пахтачилик совхозининг Х. Ҳакимов, А. Арабон ўртоқ-лар бошқарётган бўлимлари-да ҳам гўза парварини агро-техника талаблари асосида олиб боришмоқда. Ҳар бир шо-нани гулга ва тулли қўсқанга айлантириш, ҳосил тўғулчаларини тўла сақлаб қолтиш учун қўшимча тадбирлар қўрилмоқ-да.

Иштихон районидаги «Меҳ-нат-роҳат», «Иттифоқ», Куйби-шев номи колхозлари, Свир-лов номи мева-узумчилик сов-хозининг даст зонасида ташкил топган «Янгиент» пахтачилик совхозини бу йил 1230 гектар ер-да пахта етиштирмоқда. Бу-нинг 730 гектари янгидан ўз-лаштирилган ер ҳисобланади. Совхоз ишчилари мавжуд имо-ният ва резервларини ишга со-либ, биринчи йилиёқ ҳар гек-тар ердан ўрта ҳисобда планда-ги 12,3 центнер ўрнига 20 центнердан пахта хирмони кў-тариш мажбуриятини олганлар. Шунинг айтиб ўтиш кераки,

«Самаркандводстрой» трести-нинг меҳанизациялаштирилган кўлма колониаси бўлдошери ва экскаваторчилари гайрати би-лан Оқдоре сувини 48 километр баландликка кўтариб беради-ган Янгиент машина қанади муддатидан бир йил олдин иш-га туширилди. Ҳозир канал ор-қали совхоз пахта далаларига қариб икки кубометр сув оқи-зляпти.

Совхоз пахтакорлари гўза парваринини қизгин давом эт-тириш билан машина теримига пухта ҳозирлик кўришмоқдалар. Умумий ҳосилнинг намида 60 процентини машинада териб олиш белгиланди. Шу муноса-бат билан 10 та тўрт қаторли «Ўзбекистон» маркали янги пахта терим машинаси сотиб олинди. Уларни бошқариш учун хотин-қизлардан меҳаник-ҳай-довчилар таъбилашмоқда. Ма-шинага ақратилган карталар алоҳида парварини қилишти-пти.

— Коллективимиз, — дей-ди совхоз директори Мамаюсуп Эшмуродов, — Ўзбекистон Ком-партияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Со-ветининг 1969 йилги пахта ҳо-силини янги-териб олиш ва таъбилашга ҳозирлик қилиш тўғрисидаги қарорига жавобан янги ўзлаштирилган ерларда пахтадан мўл ҳосил етиштириш мақсадида гўза парваринини то ҳосил янги-терим бошла-гунча бўшаштирмай давом эттиради. Айни вақтда етишти-рилган мўл ҳосилини теришга пухта тайёргарлик қилиш ва уни уюшқонлик билан ўтказиш юзасидан барча зарур чоралар-ни кўради. Чўки, пахтакорла-римиз биринчи йилиёқ барча майдонда мўл ҳосил етиштириш ва давлат плани ҳамда олин-ган юксак мажбуриятни муваф-фақиятли адо этиб, областимиз ва раёонимиз пахтакорлари В. И. Ленин тугилган куннинг 100 йиллигига муносиб совға тайёрлаш учун олиб бораётган курашларига муносиб ҳисса қў-шишга қатъий қарор қилган-лар.

Л. ЭРГАШЕВ,
«Совет Ўзбекистон» мух-бири.

ПАХТА ДАЛАЛАРИДА

Болтабой Имомов бошлиқ бригада Андижон обла-сти, Бўз районидаги «Минибуло» сов-хозининг юқори ҳосилли бригадаларидандир. Бригада бу йил 93 гектар майдонини ҳар гектаридан 35 центнердан ҳо-сил етиштириш учун курашди. Гўзалар ҳозиргача беш марта комплекс парварини қи-лишди. Ҳар тўғнада 8-9 тадан қўсак санаб мумкин.

Бригада аъзолари Ўзбеки-стон Компартияси Марказий Ко-митети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Рес-публика колхозлари, совхозла-ри ва таъбилов пунктларини 1969 йилги пахта ҳосилини териш ва таъбилашга ҳозир-лаш тўғрисида» деб чиқарган қароридан илҳомланиб, пахта йилги-теримига тайёргарлик ишларини гўза парварини боғлаб олиб боришди. Топ-тарозиларини ремонт қилиш, йўл-қўрилларини тузатиш на-бха ишлар қизитиб юборилди.

И. ИЛЕСОВ.

«Бу йил ҳар гектар ердан намида 30 центнердан ҳосил кўтарамиз». — Оқдоре райо-нидаги Карл Маркс номи колхозининг ўртоқ В. Ҳалилов бошлиқ бригадаси аъзолари-нинг аҳди шундай.

Бригадининг Рустам Нурма-тов, Салом Эшқужаев, Луишон Бобоқужаев сингари ишбилар-мон сувчилари 141 гектар майдондаги гўзага уч марта «шарбат» оқиздилар. Моҳир меҳанизатор Мўмин ака Му-хаммадиев шу гўзаларини тўрт марта култивациядан чиқар-ди.

Ж. МАЖИДОВ.

ХОТИРЖАМЛИК

ТАШВИШЛИ СИГНАЛ

биронта ҳам трактор ишлама-пти, фақат сува зўр берилди-пти. Натижада пайкаллардан топиб чиққан сув йўллари босиб, зовурларга оқиб етибди.

Бошқа бўлимларда ҳам гўза бостириб сугорилмоқда. Сувдан чиқарилган майдонларни кул-тивация қилиш ўрнига яна қайтадан сугорилмоқда. Оқи-батда 2000 гектарга яқин май-доннинг гўзаси гўвалатиб юбо-рилган, ҳосилга тўла кирма-ган. Совхоз раҳбарлари, мута-хассислари бу ҳолга бепарво қарайлалар. Улар гўзанинг гўвалат кетишига йўл қўйма-лик чораларини кўриш ўрнига, сугорини зўр бериш ҳақида кўрсатма беришди.

Совхоздаги мавжуд 89 чо-пи тракторидан ҳар кун 25-30 таси хўжакурсинга ишла-тишмоқда, холос. Қолган тра-кторлар дала ишчиларининг олдига, меҳанизаторларнинг ҳовлисида қантариб қўйилган. Икки мингдан ортиқ ишчи гўза парваринида иштирок этиш-тишмоқда. Лекин далада ҳар кун 700-800 киши ишлапти.

Уларнинг ҳам иш унуми паст. Омон Маманов бошқарувчи-лик қилаётган биринчи бўли-мда барча майдондаги гўзанин-гипасига беғона ўт босган. Ай-рини участкаларга эса ҳашарот тушган. Шундай бўлган ҳол-да бўлим раҳбарларининг пар-

войи палок. Улар беғона ўтлар-ни йўқотиш, ҳашаротга қариш курашини ташкил этиш ҳақида ўйлашмоқдалар.

Совхоз директори Қодир Ибизкуловнинг айтишича, яна 20 кундан сўнг пахта терими-га тушиларин. Хўш, совхозда теримга тайёргарликнинг аҳ-воли қандай?

Уларнинг тартибга келти-риш, қўриллар қуриш, хир-мон кўйилари асфальтлаш иш-ларига ҳалигача киришилган йўқ. Совхоз раҳбарлари бу йил етиштирилган 11 минг тон-на ҳосилини яридан қўшини машиналарда «териб оламиз деб ваъдалар беришган. Лекин ҳа-қиқий аҳвол уларнинг сўзи ба-диат иш бир эмаслигини кўр-сатмоқда. Совхозда 40 та те-рим агрегати бор. Шу кунгача фақат 13 машина тайёрланган, холос. Ремонт устасонасида ишлаётганлар арамгадан өхти-ёт кишилари етишмаслиги сабабли қимматли вақтларини бекор ўтказмоқдалар.

Ваъдабозлик ишга зарар. Ваъда билан мўл ҳосил тўглаб ҳам бўлмайди, план ва маж-бурият ҳам бажарилмайди. Ай-ниқса машина теримини қуруқ-гал билан муваффақиятли ўт-казиб бўлмайди. Совхоз раҳ-барлари бунинг унутмасликлари керак.

П. ГАДОВЕВ,
«Совет Ўзбекистон» мух-бири.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ. «Узсельхозтехника» Бўна район биришмаси-нинг меҳаник, инженер ва техник ходимлари пахта терим агрегат-ларини йилги-терим кампаниясига барвақт шай қилиб қўйиш учун ре-монт ишларини лундан-лунга авж олдириб боришди. Улар барча меҳанизмлар ремонтини биринчи сентябргача тамомлашга аҳд қилган-лар. Суратда: ремонтдан чиқарилган пахта терим агрегатларини кўриб туриш.

О. АБДУРАХМОНОВ фотоси.





В. И. ЛЕНИН ТУГ'ИЛГАН КУННИНГ 100 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

НАМАНГАН НУР КҮЙНИДА

Ленинча электрлаштириш плани амалда • Область колхоз-совхозлари ёппасига электрлаштирилиб бўлди.

УШАЛАЁТГАН ОРЗУ

З. ЗИЕМОВ

Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш вазирлигининг қишлоқларни электрлаштириш маркази хизматининг бошлиғи.

Владимир Ильич Ленин бутун мамлакатни ёппасига электрлаштириш ҳақида орзу қилибгина қолмасдан, электрлаштириш истиқболларини белгилаб ҳам берган эди. Гап фақат электр станциялар бўлиб эшит ҳақида бораётгани йўқ, деб таъкидлаган эди доҳий. Билан бутун мамлакат халқ ҳужалигининг барча ишлаб чиқариш жараёнларини кенг равишда электрлаштириш ва янги машина техникаси беэҳсисда ривожлантириш лозим.

В. И. Ленин қишлоқ ҳужалигини электрлаштириш масалаларига катта эътибор берган эди. Партия ва ҳукуматимизнинг кундалик гамхўрлиги натижасида кейинги йилларда қишлоқ ҳужалигини электрлаштириш соҳасида республика миқёсда ҳам жуда катта ишлар қилинди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон қишлоқлари маъмурий районларнинг асосини ташкил қиладиган йўл-йўл бинолари ёппасига электрлаштирилиб бўлди. Андижон ва Тошкент областларининг барча районларидаги уй-жой биноларида Ильич чироқлари порлаб турганлиги ҳар биримизни қувонтиради. Маана бутун республикадаги учинчи область қишлоқларини электрлаштириш ишлари пойига етказилди: Наманган областидан берча районлар бутунлай электрлаштирилиб бўлди.

Республикамиз қишлоқларидаги 10450 аҳоли яшайдиган пункт тамоман электрлаштирилди. Шу неча-кундада колхоз-совхозларда иккинчи ҳамда деҳқонларнинг 1 миллион 73 минг хонадонда Ильич нурлари ёрқин порлаб турибди. Бу эса Ўзбекистонда қишлоқларни электрлаштириш соҳасида қўйилган катта қадам, бутун мамлакатни электрлаштириш ҳақида доҳиймиз қўрсатмалари амалга оширилганлигининг ёрқин ҳиссаси.

Беш йилгичини туртинчи йилда қишлоқ ҳужалигини электрлаштиришга хизмат қилдиган монтерларни пунктларга тиклаш учун 140 минг сўм капитал маблағ ажратилган. Булардан қўнчилиги Тошкент, Наманган, Андижон электр тармоқлари корхоналари иккинчида қўрилди. Республикадаги 14 та электр тармоқининг 12 таси қишлоқ ҳужалигини электрлаштириш ишлари билан шуғулланаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Бу, кейинги йилларда республикамиз қишлоқ районларини электрлаштириш масалалари билан астойдил шуғулланаётганлигининг нишончаси.

Ўзбекистон қишлоқ ҳужалиги сертармоқ. Пахтачилик ривожлантириш электрлаштиришга тасаввур қилиб бўлмайди. Чорвачилик фермалари, паррандачилик корхоналари ва бошқа соҳалари кенг равишда электрлаштириш қишлоқ ҳужалигидан қўрилдиган фойда ҳамда даромадларни қўлайитириб бораверади. Колхоз ва совхозларда 5387 та установка ишлаб турибди. Бу установкалар далавлари сугоришда деҳқонларнинг оғирини енгил қилмоқда. Қамсва ва узок районлар аҳолисини ичкилик сув билан таъминлаб турадиган 16,5 минг киловатт қуваатга эга бўлган 1653 установкадан фойдаланилмоқда.

Электр узатиш линиялари қўрилиши ҳам йилдан-йилга тезлашмоқда. Шу беш йилдада қишлоқ электр тармоқлари қўрилишининг ўртача йиллик суръатлари олдинги беш йилдадагига қараганда бир неча марта тезлашиб кетди. Маана шу рақамнинг ўзи республика қишлоқларини электрлаштириш соҳасидаги ишларимиз мадда бораётганлигини тасдиқлайди. Шундай суръат билан қишлоқ электр тармоқлари бўлиб эгиллаверса, республика қишлоқ районларидаги уй-жой биноларини ёппасига электрлаштириш ишлари 1971 йилда тугалланади.

Қишлоқ ҳужалигини электрлаштиришнинг ҳозирги аҳоли халқимизга таҳлил қилиб қўрилса, ҳали бу соҳада ҳам қилинмиши лозим бўлган кўпгина масалалар мавжудлиги аён бўлиб қолади. Қишлоқ районларини электрлаштириш колхозчи меҳнатини енгиллаштиради. Шу билан бирга бу қишлоқларда яшайдиган колхозчиларнинг турмуш маданиятини ошириш соҳасида ҳам муҳим роль ўйнайди. Қишлоқ ҳужалигини оқинладиган ҳосил миқдор ортади, унинг таннархи арзонлашади, чорвачилик маҳсулдорлигини кўтариш учун янги

имкониятлар ажудга келади.

35 киловатт қуваатга эга бўлган насос установкаларини электр ёрдамида ҳаракатлантиришга ўтишса, колхоз ва совхозлар жуда кўп маблағ иқтисод қилиб қолдилар мумкин. Шундай установкадан бирининг электр ёрдамида ишлаб чиқаришга йилга 1130 сўм камроқ маблағ сарфлаш йўлини очиб беради. Иккинчи ёрдагидеги шундай установкаларнинг ҳаммаси электр ёрдамида ишлашга қўйилса, Ўзбекистон бўйича фақат қишлоқларнинг ўзида 5 миллион сўмдан кўпроқ маблағ тежаларди. Шунингдек, 3 мингдан ортиқ қишлоқ ҳужалиги механизаторларини бошқа участкаларга ишга ўтказиш мумкин бўларди.

Бу ва кўрик ёрларни ўзлаштиришда ишлатилмаган сув кўтариб берувчи установкаларини жойлаштиришнинг республика бўйича иккинчи жарадан асосланган лавни йўлини ҳам катта мунозарга сабаб бўлиши лозим. Ҳозирги вақтда бу ва кўрик ёрларни ўзлаштириш учун сув узатиб берувчи насос установкалари инженерлик ҳисоб-китобларини ўрнатилмоқда.

«УПХ-1,5Б» маркази пахта тазалагичларини электр ёрдамида ишлатиш қандай самара беришини ҳисоблаб қўрилганми? Шундай машиналарда бир тонна пахтани қайта ишлаш учун 1,5 сўм тежаларди. Агар ўтган йили пахта тазалагич ускуналар ёрдамида салкам 2 миллион тонна пахта чиқаришга бўлса, шу жараёнида электрлаштиришнинг ўзи қариб 3 миллион сўм тежам бериши мумкинлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Бунинг устига республикамизда жуда долзарб бўлган пахта терими мавсумида қишлоқ ҳужалиги ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳалари учун 10 минг трактор ва кўпгина мутахассис механизаторлар ажудга берилади. Қишлоқ ҳужалигини механизациялаш ва электрлаштириш ўрта Осиё институтининг маълумотларига қараганда, пахта тазалагичларини электр ёрдамида ишлашга қўйиш сифат қўрсаткичларини яхшилайдиган маҳсулот ишлаб чиқаришни қўлайитиради. Шу йўл билан йил сайин қариб 11 минг тонна пахтани даялатга қўйишга етказиб бериш мумкин эди.

Барча пахта тазалагич ускуналарини, ака-ука Биковадан яратган кўритгич ускуналарини, пахта пунктларида, дала ҳирмонларида пахта ортиш ишларини электрлаштириш меҳнат сарфини камайтиради. Қишлоқларни электрлаштириш соҳасида шундай бир қамчилик: ҳам борки, қишлоқ ҳужалиги ускуналарини ишлатишда қайси бир қилғили афзаллиги Ўзбекистон ССР Госпланининг иқтисодий таҳлилотлар институт томонидан ҳар тарафлама таҳлил қилиб берилаганича йўқ.

Хоразм область иқроноа комитети 1966 йили 94 маркази ва 92 шахар типидagi посёлка қўрилиши тадбирларини ишлаб чиқди. Бир қанча колхозлар ҳам мукамил бош планга эга эмас. Борларига ҳам тузукчила амал қилинмапти. Гап шундаки, область иқроноа янги посёлкалар қўрилиши билан бир қаторда уй-жойларини электрлаштириш ҳам кўзда тутиши керак эди. Қишлоқ ҳужалигини электрлаштириш кўпгина министрилик, таъкидот ҳамда корхоналарнинг ҳамкорлигида ишлашга боғлиқ. Ўзбекистон ССР Қишлоқ ҳужалиги министрилиги, республика Энергетика ва электрлаштириш министрилиги, «Узсельхозтехника» бирлашмаси электрлаштириш масалаларида ўзаро келишиб иш тутаслар, бу соҳадаги самараларимиз кўпроқ бўлур эди.

Деҳқоннинг ва совхоз ишчисининг ўйида холодийлик, радио, телевизор, кир ювиш машиналари ва бошқалар бор. Рўзгорбон ускуналарини электр ёрдамида ишлатиш қишлоқ хотин-қизларининг меҳнатини иккинчи ҳисса енгиллаштиради.

Бутун мамлакатимиздаги сингари республикамиз қишлоқларида ҳам доҳий В. И. Лениннинг мамлакатни бутунлай электрлаштириш ҳақидаги орзулари рўйига чиқмоқда. Биз, энергетиклар доҳиймиз юбилейини қишлоқларни электрлаштириш соҳасида янги зафарлар билан нишонлаш учун бутун куч ва имкониятларимизни ишга солимоқдамиз.



МЎЪЖИЗА

Қора чироқ ёқиб тирикчиликни ўтказган деҳқонимиз. Энди электрга ҳимронлиги қиялати деса эъдидада ишонверинг. Катта кетсам ҳам дейиб қўйлолай: ўзим шундай кишиман. Электрда: кўриб, қора чироқни, афзал кўрган отам мени ўқитди. Бугунги кунда эса электрчиман. Қуналарда, колхоз фермаларида, клубларда, нимрозда, хонадонларда юрганда шу мақбим билан жуда фахрланаман кетсам.

Бугун бизнинг энергетикларимиз даярасида байрам. Областимиз ёппасига электрлаштирилиб бўлганлиги завоқини сурмоқдамиз. Мен Чуст районидан бир неча йиллардан буён катта электр монтеб бўлиб ишлайман. Электр тармоқларининг сўз ишлатиш таъминлаш учун ҳаракат қиламан. Ҳар бир хонадонда, колхоз фермасида ёки мактабда, электрдан фойдаланиш қонуни-қондиларига амал қилинмишини тушутириб бораман.

Электр бир мўъжиза десам ялғишмайман. Унинг қанчалик серҳосиялиги бошқа насллардагиларга қараганда бизга равшанроқ. Уй-рўзгорда кўпчилиги хонадонлар электрдан кенг фойдаланишмоқда. Шу жиҳатдан ҳам бугунги қишлоқни шаҳардан фарқлаш қийин. Қишлоқ ҳужалиги ишлаб чиқаришда кўпгина ускуналар электр ёрдамида қарангилантирилмоқда. Бу эса ҳужаликларга катта наф налтирипти.

Анчагина шоғирларни бор Улар ҳам электрлаштириш ишларида гайрат кўрсатиб меҳнат қилишмоқда. Наманганда бизнинг районимиз белгилангандай анча илгари — ўтган йили 1-декабрдаки бутунлай электрлаштирилиб бўлди. Маана шу шарафли ишда озми-кўпми ҳиссам борлигидан хурсандиман.

Тошўлат КЕНЖАЕВ.
Чуст район электр тармоқларининг катта электр монтеб.

ДОВОН ОШДИК

Наманган — гуллар шаҳри, кўркам, серчирой, баҳава, бир қўрилган яна қилишни орзу қилдиган шаҳар. Наманган ўзининг кўрки ва жамоли билангина эмас, ишлаб чиқараётган саноат маҳсулотлари, даялатга етказиб бераётган ҳирмон-ҳирмон пахтаси билан ҳам эл оғзига тушиб қолган.

Бугунги кунда Наманган Ильич нураддан чарогон областагидир. Област халқ ҳужалиги аҳолисининг электр энергияга бўлган эҳтиёжини қондириш соҳасида жадал кураш олиб борилади. Партия XXIII съезди қарорларини амалга ошириш, В. И. Ленин туғилган кўннинг 100 йиллигини муносиб нишонлаш учун бел боғлаган областимиз энергетиклари катта довоқини олиб ўтидилар: областини ёппасига электрлаштириш ишлари муддатидан бир ярим йил илгари тамомланди.

Беш йиллик планининг амалга оширилишида электр энергиядан самарали фойдаланиш муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам биз республика Энергетика ва электрлаштириш министрилиги, партия ҳамда совет таъкидотлари ёрдамида таъиниб, област қишлоқларини тўла электрлаштириш ишларини тез суръатлар билан олиб бордик. Электр энергиясидан фойдаланиш қишлоқ ҳужалигида ва саноатда меҳнат унумдорлигини оширмоқда, маҳсулот таннархини арзонлаштириш ижтимоини бермоқда, аҳолининг турмуш маданиятини таъин ҳам кўтаришда яхши омил бўлмоқда.

Областимизнинг саккиз районидан охиригиса бўлган Попойондан ҳам тўла электрлаштирилди. Шу билан област ҳужалиқларини ва қишлоқларини ёппасига электрлаштириш ишлари тугалланди. Бу, област энергетикларининг доҳиймиз юбилейи олдиндан қўлга киритган катта меҳнат галабаси. Областаги 98 колхоз ва 15 совхоз эъдидада марказлаштирилган даялат электр тармоқларида уланди.

Областаги колхозчи ва совхоз ишчиси хонадонларини электрлаштириш ишларининг муддатидан илгари тамомланишида янгидаги тузилган «Узсельэлектрострой» трести 11-механизациялашган қўлма колоннасининг ўртон Бўронов бошлиқ монтерлар бригадаси гайрат билан ишлади.

Биз буюртмачи билан пудратчи таъкидотларнинг аҳил ўзаро келишиб ишлашига эришдик. Материаллар етказиб бериш, келтирилган ускуналарни вақтида ўрнатмаслик оқибатида келиб чиқадиган қиёзмачиликлар барҳам еди. Электрдан фойдаланиш, станция ва ишхотларни нақитал ремонт қилиш ишларини тезлаштириш учун ҳаракат қилдик. Июнь ва июль ойларида шу мақсадни қўлаб қоллона коллективига 250 дая ортиқ электрмонтерлар юборилди.

Ҳозирги кунда областимизда 6539 километр узунликда электр линиялари бор. 40 дая ортиқ подстанциялар, 1424 трансформатор пунктлари мавжуд. Сугориш ишларида қўлла-қўлланган 200 дая кўпроқ насос установкалари, 140 чорвачилик фермалари, 45 дала шийлопи, 160,6 минг қишлоқ хонадони электр билан таъминланди.

Электр тармоқларини тезкорлик билан қўриш, област ҳужалиқлари ва қишлоқ хонадонларини электрлаштиришнинг жадаллаштирилиши яхши натижалар бермоқда. Ҳозирги вақтда истеъмолчиларнинг энергия билан таъминлигини 1966 йилдагига қараганда бир ярим баравар ортди. Ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар ўзларига топирилган ваифаларни садоқат билан амалга оширишга оdatланишган. Бир кунда икки норма бажариш бизнинг энергетикларимиз учун расм бўлиб қолди. Бу ўринда Чуст район электр тармоқларининг мастери С. Сайдаметов, Поп ва Янқўрғон электр тармоқларининг монтерлари У. Раҳмонов, Э. Бичков, М. Рафиқов, К. Эрматов, К. Мирзараҳи-

мов каби ўзлаб кишиларнинг ташаббускорлиги қўрсатиб меҳнат қилаётганликларини алоҳида таъкидламоқчимиз. 11-механизациялашган қўлма колоннасининг ўртон Бўронов бошлиқ монтерлар бригадаси гайрат билан ишлади.

Виз қўлга киритган ютуқлар билан қўтиржамлашиб қолмай-миз. Электр энергияга бўлган талабни қондириш учун янги янги марраларга қўлаб турибмиз Бунинг учун, даставвал, Қўрмаа тоғларидан ошиб ўтадиган Охангорт — Наманган электр узатиш линияси қўрилганини бошлаб юбордик. Андижон — Наманган — Чортқ — Ахлон, Чортқ — Санаторий электр узатиш линиялари қўрилишини, подстанцияларни барпо этишни тезлаштириш таъкидотлари қўрилмоқда.

«Узсельэлектрострой» трести 11-механизациялашган қўлма колоннасини област колхозлари ва совхозлари, «Узсельхозтехника» област бирлашмаси, қишлоқ ҳужалик бошқармалари сув ҳўжалиги таъкидотлари ўртасида, ўзаро ҳамкорлигини таъин ҳам мустақамлаш йўли билан област қишлоқ ҳўжалигини комплекс механизациялашга икмон берадиган режаларимизни амалга ошираверамиз.

Мамлакатни электрлаштиришнинг ленинча планини амалга ошириш учун кураш ҳаракатида қатнашадиган наманганлилар област халқ ҳўжалигини электрлаштириш билан боғлиқ бўлган масалаларини бундан буён ҳам ишчилар вазиятида ҳал этаверадилар. Маиший турмушда, чорвачиликда, пахта ил и н д а электрдан фойдаланиш салмоқини янада оширамиз.

Қ. МАМАРАСУЛОВ.
Наманган электр тармоқлари корхонасининг директори.

ФАКТАР... РАҚАМЛАР...

① Кейинги бир йилда ўзбекистон колхозлари ва совхозлари унинг маиший эҳтиёжлари учун 1.480 миллион киловатт-соат электр энергиясини ишлатилади.

② Республикадаги 10450 аҳоли яшайдиган пункт Ильич нурлари баҳраманд бўлмоқда.

③ Шу неча-кундада қишлоқларимиздаги 1 миллион 73 мингдан ортиқ хонадон электрдан чарогон.

④ Беш йилдаги туртинчи йилда, электр узатиш тармоқлари 3200 километр узунликда электр узатиш тармоқлари барпо этилади.

⑤ Бу муддатда 780 трансформатор подстанциялари қўрилди. Улар аҳоли яшайдиган 500 пунктнинг электр билан таъминланди.

⑥ Ёти йилда республикада қишлоқ меҳнатчиларидан 45 минг оналининг хонадони электрлаштирилди.

⑦ Шу йилнинг ўтган ойларида 738,5 миллион киловатт-соат электр энергия қишлоқлар эҳтиёж учун ишлатилди. Бу эса бутун 1965 йилдагига тенгдир.

⑧ Наманган — республикамизда ёппасига электрлаштирилиб бўлган учинчи область.

⑨ Ҳозир област ҳўжалиқларини 48 дая ортиқ қудратли подстанциялар ишлаб турибди.

⑩ Наманган областидан ўтган йилда бу шу йилнинг ёти ярин ойида колхозчи ҳамда совхоз ишчи-

ларидан 8950 оиланинг хонадони электрлаштирилди.

⑪ Шу даяр нчда областдаги 37 та насос установкаси ва 36 та чорвачилик фермасига электр симлари тортиб келинди ва электр тармоқларига уланди.

Коммунизм—Совет ҳокимияти ва бутун мамлакатни электрлаштиришдир.
В. И. Ленин.



Суратларда: чапда — Республикаимиз саноатида, қишлоқ ҳўжалигида, рўзгорда электр энергиясидан фойдаланиш. Унга — Наманган область, Чуст районидagi «Ленинград» колхозида чорвачилик учун ем-хашак тайёрлашда электр энергиянинг қўлланилиши.



К. Соҳияновнинг «КОММУНИСТИК МЕХАНАТИКНИ ҚАРОР ТОПИШ ПРОБЛЕМАЛАРИ» китобида социалистик меҳнатнинг коммунистик меҳнат сари ривожланиши билан боғлиқ бўлган ҳақиқатларни баён қилиш билан биргаликда, уларнинг фан ва маданиятнинг, маърифат ва соғлиқнинг сайлаш йиллари ривожланишида олиб борилган иқидий ишлари ёрутилган.

О. АБДУРАХМОНОВ,
«Ўзбекистон» нашриятининг бош редактори.

ХАБАРЛАР,
ВОҚЕАЛАР,
ЯНГИЛИКЛАР

Шури мамлакатларда

П Е К И Н Л И К ИҒВОГАРЛАР ҚОРАЛАНДИ

САНТЬЯГО, 18 август. (ТАСС). «Сингло» газетасида кеча босилиб чиққан мақолада Хитой раҳбарларининг халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатиди бузғувчилик ишлари ва уларнинг марксизм-ленинизмдан юз ўтиргандлиги қораланади.

Мақола муаллифи Родриго Рокас маочиларнинг Совет чегарасидаги иғвогарликларини фоти қилиб ташлаган. У, шуни таъкидлайдик, Мао Цзэ-дун ва унинг гушталари кейинги ойларида Совет Иттифоқида қарши ҳарбий иғвогарликларни охира ва қатъли равишда анж олдириб юбордилар.

Совет Иттифоқи билан ХХР ўртасидаги кескинлик кучайишига фақат Хитой томонининг ҳаракатлари сабаб бўлганлигини Родриго Рокас қай қилиб ўтди.

П.АРИЖ, 18 август. (ТАСС). Ҳафта-

лик «Юманите-Диманш» газетасининг сиёсий шарҳловчиси Ив Моро бундай деб ёзди: «Хитой ҳарбий хизматчилари Совет Қозғоғистони территориясиз босиб кириб, қасдан келтириб чиқарган янги можа рокинилик раҳбарларнинг ҳаракатлари натижада кейинги йилларда туғилган безовталикини кучайтирмасдан қола олмайди».

Мао Цзэ-дун гуруҳи олиб бораётган пропаганданинг энг ассий мавзулари антисоветизм ва ашаддий шовинизм бўлиб қолди, деб ёзди Моро. Совет Иттифоқи билан Монғолия Халқ Республикасига нисбатан Пекин ҳеч бир куракда турмайдиган территориял даъволари қўймоқда.

«Пекининг лоф уришига» жавобан Совет Иттифоқи сабо-тоқат ва матонат кўрсатётганини Ив Моро алоҳида таъкидлаб ўтди.


СЪЕЗД НЕГРЛАРНИ КУРАШГА ДАВВАТ ЭТМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК, 18 август. (ТАСС). АҚШ негрларининг энг катта ташкилотларидан бири — Жа-нубдаги христиан раҳбарлик конференциясининг Чарльстонда (Жанубий Каролина) ўтказилган йиллик съезди тамом бўлди. Негрларнинг ҳуқуқлари учун атоқли курашчи Мартин Лютер Кинг узоқ вақт шу ташкилотнинг раҳбари бўлган эди.

Съезд қабул қилган резолюцияда негр меҳнатқилларининг қасба-союзларига бирлашиш ҳуқуқи эътироф этилиши учун, негрларнинг ишга ёллашда уларни камситишга барҳам берилиши учун, иш ҳақининг оширилиши ва меҳнат шартининг яхшиланishi учун курашни кучайтириш биринчи наватдаги вазифа қилиб қўйилган.

Қора танли аҳолининг анчагина қисми жойлашган АҚШнинг 9 та энг йирик шаҳрида негр ёшларининг Вьетнамдаги агрессиюга қарши ирозилик бийдириш ишонаси сифатида армияга чақирилишига қаршилик қилиш руҳида тарбия-лайдиган махсус марказлар тузилиши кўзда ту-туви резолюция қабул қилинганини конференциянинг урушга қарши позициясини ифодалади.

Съезд Ральф Аберне-тин жанубдаги христиан раҳбарлик конференциясининг яна ранси қилиб сайланди.



Анналии шаҳри йилидаги Эл Хама металлургия комбинати — Жазир Халқ Демократик Республикаси қора металлургия саноатининг тўғичи ҳисобланади. Унинг курилишида бир қанча мамлакатлар, шу жумладан Совет Иттифоқи ҳам иштирок этган. АДН — ТАСС фотоси.



Лаосда Халқ-озодлик армияси билан Америка агрессорлари ва уларнинг қўғирчоқ қўшинлари ўртасида қизғин жанглар давом этмоқда. Душман ҳар томонлама талафот кўрмоқда. Суратда: Лаос ваз-танпарвар кучлари Америка қароқчилари базасига ҳужум қилмоқдалар. ВНА — ТАСС фотоси.

А Ж О Й И Б О Т Л А Р О Л А М И Д А

5 ҚАВАТЛИ УЙДЕК МАШИНА

Машина гилдираклари остидаги айула соатига 60 километр тезликда ўтиб турибди. Машинанинг ўзи эса жойидан қўзғалмайди.

Бундан бир неча йил аввал Удмуртия пойтахтининг шоркери-имоллий чеккасида курилган «Ижтёж б.у.м.а.ш» заводининг цехларида ҳозир газета қозғон ишлаб чиқарувчи шундай агрегат ясалмоқда. Корхона инженерлари ва конструкторлари агрегатни гоёт унумдор қилишга қарор бердилар. Бунинг учун барча ўзгаришлар гоёт тез ҳаракат қилиш ҳақида ишлаб чиқарувчи мах-сусот эни жуда кенг — 6720 миллиметр бўлиши талаб этилди.

Бир кеча-кундузда бундай машина иш бошқача қилиб айтса, технология линияси тай-яраган қозғон ишлаб чиқариш-материал 12 миллиондан зиёд нуска газета босишга етади. Машинанинг улкан «жуссиси» ҳам иш унумига яраша — беш қаватли уйдек қолади.

Б-15 технология линиясини домийи иш ўрни — целлюлоза қозғон комбинатида бир неча ойи темир йўл состави эл-тади.

Л. ДАНИЛОВ,
(ТАСС мухбири).

А Ж Д О Д Л А Р Н И Н Г РЕЦЕПТИ БЎЙИЧА

Махсусийларнинг баланд қов-ли тоғда икки минг йил турган Гурний эхромни деворларининг қолдиқлари ларзага келди. Азат

дарёси дарёсида гулдурган кучли портлаш садолари бу ер-гача етиб келди. 30 километр-ли водопровод ётқизила бошла-ди. У орқали Ереванга ичилади-ган сув келади.

Бу курилиш одатдагиларга ўхшамайди. Археологлар Гурний сувининг сирини очмоқчи бўлиб, неча ўн йил уринишди. Бундан 3 минг йил илгари бу ерда қўрғон бўлиб, боғли эхром ўша қўрғоннинг сўнгги ку-рилишларидан бири эди. Бу ер-га муздек мусофиро бўлук су-ви тушиб турарди. Хўш, у қе-ердан келади?

Гурний сувининг сирини қинда-гина очилди. Эхромдан 3 кило-метр наридаги баланд тоғлиқ-да Гурт қишлоғидаги қазил-лар чоғида қадимий сопол ва тош қувур ариқ топилиди. Қувур еригининг бир ўн эхром май-донига чиққан эди. Денгиз юзи-дан 1300 метр баландликда жойлашган тоғ бўлогининг суви мана шу қувурдан оқиб келган. Замон ўтиб, суришчи ва нуруш тасвирда қувур ариқ яроқсиз ҳо-лға келган. Булоқ эса тош орасидан дарё сари бошқа йўл қолган.

Махсусийларнинг нодир эхром-ини зйбат қилган қолдан не-ча юзлаб сийдахлар унинг то-ли, муздек бўлоқ сувини мазага қилиб ичадилар. Ер бетига чиқа-ртган сувнинг температураси плюс 5 градулсга боради. Мута-хассисларнинг фикрига кўра, бу сув Швейцариянинг машҳур бу-лоқ сувидан устуи келади. Қай-натилганда чўкинда қолдир-майди, туз таркиби гоёт оз.

Тез орада бу ажойиб сув ереванликларнинг қондонла-рига етиб келади. Қурувчилар ажодлар қилган сингари ба-залт қоз тошлар орқали паст-га, Арарат водисига қувур ёт-қизиб тушадилар. Шундай қи-линса, сув температураси сак-ланмигина қолмай, насос ста-циялари ва фильт сингари қимматли тушадиган инжне-рлик иншоотларидан ҳам воз ке-чиш мумкин бўлади.

(ТАСС мухбири).

ОБ-ХАВО

Бугун кундузи республика-нинг ҳамаи районларида ҳамо бир оз булутли бўлсада, ёғин-гарчилик бўлмайди. 20-33, ай-рини жойларда 37 даража ис-сиқ бўлади.

Тошкентда ёғингарчилик бў-лмайди. 30-32 даража иссиқ бў-лади.

Редактор
М. КОРИЕВ.

РАДИО БҮГҮН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
8.25 — Халқ талантлари кон-церти. 9.30 — Концерт. 9.50 — «Дўстани қонуларни асосида» (тожикча суҳбат). 11.15 — «В. И. Ленин ва Туркистон» (суҳбат). 11.30 — Ўзбек халқ темаларидаги сюита. 13.30 — Рус халқ куйла-ри. 15.15 — Белорусия радиоси-нинг эшиттириши (русча). 15.30 — Концерт. 16.10 — Ўзбекистон халқ артисти М. Раҳмонов ҳақида очерк. 16.50 — «Правда» газе-тасининг обзори. 18.00 — «Мантаб-лар янги ўқув йилига» (русча). 18.10 — «Хореография поэма». 18.40 — Спорт. 19.20 — Татар куйлари. 20.00 — «Ўзбекистон иттиҳис» радиожурнали. 20.30 — Концерт (саломат ходимлар учун). 21.00 — Халқаро мавзуларда суҳ-бат. 21.10 — Концерт (қишлоқ меҳнатқиллари учун). 22.20 — А. Абдурауфов куйлайди. 22.40 — «Шеърлат нечаси». 23.15 — Куйлар.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БҮГҮН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
18.30 — Кўрсатишлар програм-маси. 18.35 — Телеянгинлар (рус тилида).
Ўзбек тилида: 18.45 — Ленинча меҳнат вақтасида. 19.00 — Кон-церт. 19.40 — Телеянгинлар. 19.55 — Кўрсатишлар програм-маси.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КўРСАТАДИ

18.30 — Кўрсатишлар програм-маси. 18.35 — Ҳайвонот олами-га савҳат (болалар учун. ўзбек ти-лида).

Рус тилида: 18.50 — Айнича Римчилик (қўғирчоқ фильм). 19.30 — Ёшларнинг эрида («Би-лин» студияси). 20.10 — Концерт (халқаро мавзулар).

Ўзбек тилида: 20.50 — «Ўзбек-селимаш» мармаси — жаҳон мар-маси даражасида. 21.10 — Най наволаи. 21.50 — Тоғ қасоскор-лари (бадий фильмнинг биринчи серияси).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 20.00 — Одий ин-сон (бадий фильм). 21.35 — Оқ кўшлар қарғага учиб келади (хўжикатли фильм). 21.45 — Теле-спектакли. 22.35 — Фильм-кон-церт.

КИНО

ҚИШКИ ВИНОВА

Қизларни ўғирлаш — «ЧАЙКА», «ДРУЖБА» (тоғ соатларда). «ЎЗ-БЕКИСТОН», НАВОНИЙ номли, «ВОСТОК», «МОСКВА» (кундуз ва кечурун).

Улан савги серенадаси — САНТАЯ САРОВИ (кундуз ва кечурун).

Бомбай тун оғушида — «ЎЗБЕ-КИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечурун).

Таёга хўжайини — «КОМСО-МОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечурун).

Айнича — «ТОШКЕНТ СОВЕ-ТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечурун).

Райн болалари — «ДРУЖБА» (кундуз соат 12 ва кеч 8 да).

ЕЗГИ ВИНОВА

(кеч соат 9 ва 10-40 минутда бошланади).

Қизларни ўғирлаш — «ФЕСТИ-ВАЛЬ».

Айнича — «ХЕВА».

Қилимандор қорлари — ТЕЛМАНИЙ номли.

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР»

СТАДИОНДА

20.21 август кеч соат 7 да СССР биринчилиги учун «УРАЛМАШ» (Свердловск) — «ПАХТАКОР» (Тошкент) «А» класс командалари ўртасида.

ФУТБОЛ.

20 августда — дублёрлар сос-тави.

21 августда — асосий состав-лар ўйнайди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Радиоэшиттириш ва телевидение давлат комитети-нинг коллективни бош редактори Н. Абдураҳмоновга онаси

Тоғи ХАЙДАРОВНИНГ

вафот этганини муносибати билан чуқур таъзия изҳор қи-лади.

3-Республика психиатри-на-салоҳисия администратсияси, партия ва кесба соиз ташки-лотлари кесалхона врач

Абдураҳмонов УМРЗОҚОВНИНГ

вафот этганини муносибати билан чуқур таъзия изҳор қи-лади.

«Мунгу» журнали редак-цияси коллективни журналининг адабий ходими М. Жалиловга

отаси

Эргаш ЖАЛИЛОВНИНГ

вафот этганини муносибати билан чуқур таъзия изҳор қи-лади.

И С Р О И Л Я Н А ИҒВОГАРЛИК ҚИЛДИ

ҚОҲИРА, 18 август. (ТАСС). Исроил ҳарбийлари Араб мамлакатларига қарши иғвогарлик қилишни бир кун ҳам тўхтатмайдилар. Бирлашган Араб Республи-каси қўролли кучлари ва қишлоқнинг айтишича, Сувайш канал зонасида тўрлар, танклар иштирокида бош-ланган шиддатли отишма бутун тун бўйи давом этиб, бутун арталба соат 5 дан 30 минут ўтганидагина тўхтади.

Отишма шимолда Ал-Кан-тара районидан тортиб, жа-нубда Порт-Тавфиқ райони-гача бўлган бутун террито-рияни ўз ичига олди. Исроил артиллерияси Девер-

суара районидидаги Миср по-зицияларини ўққа тути-ди. Миср артиллерияси жа-воб ўти очиб, душманиннг анча-гина солдат ва офицерлари-ни ўлдириди ва техникасини мажақлади.

Кейинроқ, деди Бирлаш-ган Араб Республикаси қў-ролли кучларининг вакили, Исроилнинг бир гуруҳа са-молети Деверсуара райони-даги Миср позицияларига ҳужум қилишга уриниб кўр-ди. лекин Бирлашган Араб Республикаси шенг артил-лериясининг шиддатли ўти билан ҳайдаб юборилди. Миср томони талафот кўр-ган йўқ.

КАПИТАЛИЗМ ИЛАТЛАРИ

Ч О Й Ч А Қ А И З Л А Б

Жузеппени камбағал деб бўлмайди. Камбағалда дў-ков бўлмайди, яна қанақаси денг, мевадар дўнони. Жу-зеппеда эса бунақасидан бир нечаси бор. Айнича, дангиллама гиштин уйини айтмайсизми. Йўлдада тур-ган катта қизил машина ҳам унинг уйиники.

Австралида кечган ўт-тиз йилдан сўнг шунча нарсаси ортириб олган Жу-зеппени эндиликда оддийги-на қилиб Жо дейишади. У ўзини аримдан кўти грек-лар ва италянлар бўлган шаҳар бешқармасининг со-ветига сайлатиришга му-ваффақ бўлди.

Жоннинг тақдирини ўзга юртда анчагина бойлик ор-тирган эмигрантнинг бах-лиси деса бўлади. Бу «гул-лаётган» италяннинг тари-хия матбуот, радио ва те-левидение қайта-қайта қў-ларга кўтариб маътабати. Жоннинг тақдирини Австра-лиянинг ўзида эмас, чет эллар-да ҳам кенг кўламда тар-тиб қилинмоқда. Албатта, ҳукумат ҳам уларни ўз вақ-тида рағбатлантириб туриб-ди.

Бироқ, уларнинг эми-грантларга бўлган барча диққат-этибори шундан иборат, ҳолос. Холбуки, Австралида қойчақа излаб келган италянлар, греклар, югославлар, малталик ва испанларнинг кўпчилиги мутлақо бошқа шаронда ашаидади Улар ҳар кун

ортаб темир йўл вокзали эшикларидан оқиб чиқиб шаҳарга тарқалишади. Улар энг оғир ва ифлос, бироқ энг арзон ҳақ тўловчи иш-ларни бажаришга мажбур.

Италиялик Луижи Ян-но 52 ёшга кирибди. Мана, ўн тўрт йилдирки у темир йўл-да ишлайди. Хотини, икки-та боласи бор. У ҳафтада уйига 40 доллар олиб кела-ди. Янно турган жойи учун ҳафтасига 20 доллардан тў-лайди. Пулининг қолганини қанақа сарфлар экан?

— Мен уларни энг арзон овқат ва кийим-кечакка сарфлайман, — деди у. — кинога бориш ёки шаҳардан ташқарига сайр қилиш қа-ёқда дейсиз. Борди-ю, би-рортомиз касал бўлиб қол-сак, нима қиламиз, деб кўр-қаман.

Пигирма уч ёшли Геор-гий Илюполос Австралида беморлик страхованисеи системасини билиш шарт эканидан хабар бўй экан. Унга бу ҳақда ҳеч ким айт-мабди ҳам. Шунинг учун ҳам Илюполоснинг хотини хомилдор бўлиб қолганли-ги сабабли то у касалхона имтиёзларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлгунга қадар турур-хўна хариятларини тўлаши керак.

—Менин иш ҳақим жуда кам, — дейди у. — Тили-яхши билмайман, бунинг ус-тига хунарим ҳам йўқ. Ўзи-нигиз айтинг, бу ҳолда тузу-рок иш топиб бўладими?..

Унинг Австралида иш-лаётганига олти ой бўлпти. Ҳафтасига 34 доллар ойл-ик олади. Шундан 21 доллар-ни кооперативдан 10 минг долларга қарзга олган қвар-тира учун тўлайди. 5 дол-лар эса шаронинг яхшилаш учун олинган қарзларга ке-тади. Гарчи бу ҳақда суҳ-батдошим менга ҳеч нарсаси демаган бўлса ҳам, яхши тушуниб туришман, у ойл-ик-дин ойл-икка қариндош-ларидан қарз олиб туришга мажбур.

Фотис ҳам Грециядан келган ўн икки йилдан бе-ри шаҳарда ишлагани-ю, онаси қабрига бут ўришти-рун пула жамғаролмапти. Шунинг учун унинг юриш-туришида ҳаловат йўқ.

Болалар мактабдан олиб келатган ахши бешоқлар ҳам Фотисни қувонтирмайди.

—Мактабни тугатишлар-и билан ишга боришади. Уларнинг ҳозирги ўқишлари ҳам менга жуда қимматга тушмоқда. Ўқишни давом эттириш учун уларга пулни қаёқдан оламан? — дейди Фотис.

У Австралида келгандан бери боши бахтсизлиқдан чиқмапти. Онаси қаттиқ оғриб қолди. Страхованисеи насасига ёлғиз улғурган-и учун қарз олиб, онаси-ни беш ой даволаган касал-хонага тўлаши керак. Ав-стралида келишда йўлга сарфланган 700 доллардан 200 долларлик қарзини ҳа-

РАССОМ ХАНДАСИ



Ўз-ўзига шундай хизмат қилишди...

А. Холков ишлаган расм.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Советов Министров Узбекской ССР.

Вызванный адрес ва телефонлари: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси № 26. Редактор — 336545, Редактор Ўрибосарлари — 337914, 339323, Матбуот секретари — 334455, Матбуот секретари Ўри-босарлари — 337283, Партия турмуши — 333469, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331216, Халқаро кат — 337694, Коммунистлар тарбия — 331455, Сановат, калитат куриш ва тав-со — 334750, Совет куришлари — 333258, Қишлоқ ўқулиги — 337604, Адабиёт ва санъат — 332036, 337221, Ҷам, мактаб ва оқил ўқув юрталари — 334451, Махаллий ижборат ва спор — 332347, Ойманли ишлари ва катлар — 336679, 333553, Иллюстрация — 334524, Стенография — 337343, Корректур — 337163, Ёлгонлар — 333142, Коммутиатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258, ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: Андижон — 48-85, Бухоро 43-141, Қарши 22-82, Наманган 21-88, Нукус 62, Самарқанд 31-072, Термиз 23-27, Фарғона 41-88, Ўргач 34-55.